ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗДЕК ЗАВҚЛИ БЎЛСИН

Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 22 МАРТ, ЯКШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 69 – 70 (12.882 – 12.883)

Баҳоси эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда табиат уйғониб, баҳор келиши билан она юртимиз – Ўзбекистонимиз заминига Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ҳаммамиз орзиқиб кутадиган, янгиланиш ва яшариш, шоду хуррамлик рамзи бўлган ана шундай энг кўҳна, олижаноб байрам билан сиз, азизларимни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Қадрли юртдошларим!

Барчамизга маълум, дунёда бир-биридан буюк, бир-биридан ажойиб байрамлар кўп. Лекин улар орасида Наврўз айёми ўзининг қадимийлиги, табиатимизга уйғунлиги ва гўзаллиги билан, маъно-мазмунининг теранлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

*Ва айни шунинг учун ҳам уйғониш ва яшариш тимсоли бўлмиш бу буюк айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада бағрини кенг очиб, **«Хуш келибсан ўлкамизга Наврўз, қадаминг қутлуғ бўлсин!»** деб, энг катта орзу-ниятлар билан кутиб оладилар.*

*Ҳақиқатан ҳам, минг йиллар аввал – «Авесто» даврида пайдо бўлган Наврўзи олам бизнинг халқимиз учун энг кўҳна, асл миллий, шарқона янги йил дебочаси сифатида доимо соғиниб, ардоқлаб қарши оладиган, ҳар қайси уйга шодлик ва хурсандчилик олиб келиши, ўша замонлардан буён халқимизга мансуб бўлган анъана ва қадриятларни безавол сақлаб келиши билан **барчамизга қадрли ва азиздир.***

Кўклам айёми келиши билан аждодларимиз, ота-боболаримиз ризқу рўзини тилаб, қўш ҳайдаб, далага дон сочиб, ям-яшил адирларда от чоптириб, Наврўз сайилларини ўтказгани худди кечагидек бўлиб туюлади ва барчамизни беихтиёр ана шу байрамона кайфиятга берилиб кетишга ундайди.

*Айни шу кунларда маҳалла-кўй дошқозонлар атрофида жамулжам бўлиб, аёлларимиз, момоларимиз тунни тун демасдан, ҳеч чарчамасдан, эзгу ният, завқ ва хурсандчилик билан **инсонга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим, кўксомса ва гўжа каби тансиқ неъматларни тайёрлаб,** уларни ўз оиласи ва дўсту биродарлари билан баҳам кўриши каби ота-боболаримиз, аждодларимиздан қолган бетакрор анъана ва одатларимиз юртимизга, уйларимизга кириб қолгандек, ўзимизни эса атроф-табиатимизнинг ажралмас бир қисмидек ҳис қиламиз.*

Ана шу дилбар фаслда инсонларнинг бир-бирига меҳрибонлик кўрсатиши, беморларга, муҳтож бўлганларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби ноёб фазилатлар албатта одамнинг кўнглини юмшатади, доим яхшиликка интилишга, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга чорлайди.

Наврўзи оламнинг яна бир бетакрор хислати борки, у ҳар қайси уй, ҳар қайси юртда, бутун ер юзида тинчлик ва осойишталик бўлишига даъват этади.

Бу айёмда турли гина ва аразлар унутилади, уруш ва жанжаллар тўхтайди, муросаи мадора, аҳиллик, одамийлик қарор топади.

Азиз юртдошлар, қадрдонларим!

Шулар ҳақида гапирганда, Наврўзнинг бундай ўлмас ғоялари, руҳи ва фалсафаси ҳозирги кунда тобора кучайиб бораётган қарама-қаршиликларни, турли можаро ва урушларни фақатгина сиёсий ва тинчлик йўли билан ечиш кераклигига даъват этишини, уни айнан бугунги ҳаётимизнинг энг ўткир, энг долзарб муаммолари билан узвий боғланганини яна бир бор тасдиқлаб беради.

Бизга, ўзбек халқига нима керак – тинчлик ва омонлик керак, деган даъват эл-юртимиз орасида тобора кенг тарқалиб бормоқда. Бунинг асосий маъноси – бугунги нотинч, кескинлашиб бораётган замон барчамиздан ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб этаётганини, тинч ва осуда ҳаёт учун, мана шу мусаффо осмон учун курашиш, бутун дунё билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшашни билдиради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги Наврўз шодиёнамизда иштирок этаётган барча чет эллик меҳмонларимизга, хорижий элчихоналар ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан чуқур ҳурмат ва миннатдорлик билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик-омонлик, фаровонлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

*Бугун катта умид ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган, ўз фикрига, замонавий билимга эга, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган сиз, навқирон ўғил-қизларимизга, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман: **биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!***

Кўзлаган мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз!

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барча-барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги гўзал айём билан қутлаб, қалбимдан, юрагимдан чиқадиган самимий тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака олиб келсин!

Эзгу орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди

Баҳорни севмайдиган, соғиниб кутмайдиган одам бўлмаса керак. Чунки у оламга илиқлик, тиниқлик олиб келади. Қуёш чарақлаб кўнгилларни ёриштиради. Табиат уйғониб, атроф гўзалликка бурканади. Қушлар чуғури жилғалар овозига жўр бўлади. Майин шаббода гулларнинг тотини олиб қочади...

Баҳор севимли ва ардоқли байрамимиз Наврўзни бошлаб келади.

Давлатимиз раҳбарининг «2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида бу айёмга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Халқимиз бу кунни янги муваффақиятлар ва янги умидлар билан кутиб олмоқда. Шундай фаровон кунларга, байрамларга етганига шукроналар айтиб, хурсандчилик қилмоқда.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук кексалар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Президентимиз халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Майдон узра ҳаёт мўъжизаси – табиат уйғонишини мадҳ этувчи наво таралади. Улкан мониторларда юртимизнинг гўзал манзаралари – ям-яшил боғлар, пурвиқор тоғлар, замонавий иншоотлар, бунёдкор замондошларимиз қиёфаси намоён бўлади.

Юракларни энтиктириб қадим ва қадрдон наволар янграйди. Миллий қадриятларимизни асраб-авайлаб, аждодларимиз маънавиятини мужассам этиб асрлар қаъридан келади бу қўшиқ.

Истиқлол йилларида халқимизнинг бой қадриятлари, маънавий ва маданий мероси тикланди. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий ва бошқа улуғ боболаримизнинг юбилейлари кенг нишонланди. Абдухолиқ Ғиждувоний, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Аҳмад Фарғоний каби буюк аждодларимиз қадамжолари обод этилди, ҳаёти ва бебаҳо мероси ўрганилмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон сингари муаззам шаҳарларимиз юбилейи халқаро миқёсда тантана қилинди. «Авесто»нинг 2700 йиллиги, «Алпомиш»нинг 1000 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш асносида тарихимиз янада теран ўрганилди, шаҳарсозлигимиз, маданиятимиз илдизлари тадқиқ этилди.

2014 йил 15-16 май кунлари Самарқандда ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция дунёда буюк аждодларимизнинг даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша баланд бўлганини кўрсатди. Унда иштирок этган олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари Ўзбекистон алломаларининг дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссасини яна бир бор эътироф этди.

Наврўз мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун севимли байрамга айланган. Чунки у тинчлик, омонлик, аҳиллик байрами.

Бу ҳамжиҳатлик байрам саҳнасида ҳам ўз ифодасини топади. Турли тиллардаги куй-қўшиқларда юртимиздаги миллатлараро тотувлик, умумбашарий қадриятлар намоён бўлади. Ўзбекистонимизнинг озодлиги ва тинчлиги, халқимизнинг бирлиги ва бағрикенглиги, дўстлик ва муҳаббат тараннум этилади.

Тинч-осойишта элда байрамлар бўлади, ҳаловатли халққа хурсандчилик ярашади. Мамлакатимиз мустақилликнинг илк йилларидан тинчликпарвар сиёсат юритиб келмоқда. Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий блокларда иштирок этмайди. Давлатимиз ташқи сиёсати миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда, барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилмоқда. Энг ривожланган давлатлар, дунёга донғи кетган компаниялар юртимиз билан ҳамкорликка интилмоқда.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар самарасида автомобилсозлик, нефть ва газни қайта ишлаш, замонавий маиший техника, компьютер ва мобиль телефонлар ишлаб чиқариш каби янги саноат тармоқларига асос солинди. Озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати корхоналари модернизация қилинди. Бугун уларда тайёрланган маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжини тўла таъминлаб, дунё бозорларини ҳам забт этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов 20 март куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

● «Латвия санъати кунлари» фестивали иштирокчилари Самарқанд шаҳрига ташриф буюриб, бу ердаги тарихий қадамжолар, обидалар ва зиёратгоҳлар билан танишди.

● Жиззах шаҳар «Қипчоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида «Кексалар боғи» барпо этилди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон бўлими кўргазмалар саройида «Ассалом, Наврўз!» деб номланган кўргазма иш бошлади.

● Наврўз байрами арафасида Марғилон шаҳар марказий мадаият ва истироҳат боғи капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

● Наврўз умумхалқ байрами арафасида Наманган шаҳрида «Шодлик» савдо маркази фойдаланишга топширилди.

ЖАҲОНДА

● Германиянинг «Люфтганза» авиакомпанияси учувчилари иш ташлашни давом эттирмоқда. Шу кунларда иш ташлаш туфайли 750 рейс бекор қилинди. Ушбу ҳолат минтақалараро рейсларга ҳам, Германиянинг ички ва Европа рейсларига ҳам таъсир кўрсатди. Касаба уюшмалари тариф битимларини ўзгартиришни талаб қилмоқда ҳамда раҳбариятнинг муддатидан олдин нафақага чиқишда ёшга оид чекловни кўтаришига қарши чиқмоқда. Бу галги иш ташлаш ўн иккинчисидир.

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗДЕК ЗАВҚЛИ БЎЛСИН







(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 5 баробардан зиёд ўсди. Аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар кўпайди. Мамлакатимизнинг экспорт ҳажми ва олтин-валюта захиралари барқарор суръатлар билан ошиб бораётгани бугун ривожланган давлатларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда.

Жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари кейинги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Жорий йилда ҳам ана шундай юксак ўсиш суръатлари кутилаётир.

Бу мустақилликнинг илк йилларида асос солинган ва халқимиз кенг қўллаб-қувватлаган тараққиётнинг «ўзбек модели» самараларидир. Иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги бозор эркинлигини таъминламоқда. Давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши барча соҳаларни изчил ва уйғун ривожлантириш имконини бермоқда. Қонун устуворлиги инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Кучли ижтимоий сиёсат халқимизга моддий ва маънавий мадад бераётир.

...Саҳнага болакайлар чопиб келади. Майдон шўх-шодон кулгуга тўлади. Уларнинг беғубор чеҳраси, ёниб турган кўзлари, жарангдор куй-қўшиқлари барчага завқ-шавқ бағишлайди.

Халқимиз аввало фарзандлар камолини ўйлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Бу менталитет давлатимиз сиёсати, мамлакатимизнинг стратегик мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган.

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур, деган ғоя асосида мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соғлом бола йили, деб эълон қилинган 2014 йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. «Соғлом она – соғлом бола» лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шифохоналар, поликлиникалар замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, соғлом болаларни дунёга келтириш ва соғлом ўстириш, оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Таълим тизими изчил ривожлантирилиб, ёшларимизнинг замонавий асосда билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мактабни тамомлаган ёшлар ўрта махсус таълим тизимига, лицей ва коллеж битирувчилари иш ва ўқишнинг кейинги босқичларига тўлиқ қамраб олинмоқда.

2014 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчиси иш билан таъминланди.

Ёшларимиз камолоти халқаро мусобақаларда яққол намоён бўлаётир. Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги иккинчи Олимпия ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз 4 олтин, 3 кумуш, 3 бронза медални қўлга киритди. Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз 44 медалга сазовор бўлиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини яна бир бор исботлади.

...Наврўз томошалари кўтаринки рухда давом этади. Фольклор-этнографик ансамбларнинг чиқишлари, халқ ўйинлари байрамни янада қизитади. Уларда халқимизнинг бой маданияти, турмуш тарзи ва қадриятлари ўз аксини топади. Куйлар қўшиқларга, қўшиқлар жўшқин рақсларга уланади.

Наврўз қадимдан деҳқончилик мавсумининг бошланиши ҳисобланган. Ота-боболаримиз айни шу паллада эл-юрт дастурхони тўкин бўлсин, деган ниятда ерга барака уруғини сочганлар.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари жорий этилгани, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, уларнинг меҳнатга муносабати юксалгани самарасида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик







ривожи уларни қайта ишлаш, элимиз дастурхонига етказиб беришда муҳим омил бўлаётир.

Бугун бозорларимизда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Дастурхонларимиз тўкин ва фаровон, уйларимиз обод, файзли.

Мамлакатимиздаги бундай фаровонлик, мўл-кўлчиликка бутун дунё ҳавас қилмоқда. 2014 йил 6 июнда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашган хорижлик мутахассислар ва ишбилармонлар буни алоҳида эътироф этди.

Ўтган йили мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик ғалла, 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этилгани элу юртимизга файзу барака ёғилаётганидан яна бир далолат бўлди.

Бу файзу тароват шаҳару қишлоқларимиздаги ободликда ҳам намоён. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар Ватанимиз чиройига чирой қўшмоқда. Халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, юртимиз табиатига мос равишда, замонавий муҳандислик коммуникациялари асосида кенг, ёруғ ва қулай этиб қурилган ушбу уй-жойлар оилаларнинг ҳаёт сифатини оширмоқда, айниқса, хотин-қизларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилмоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлашга оид дастурларга мувофиқ, ёш оилаларга топширилаётган «Камолот» уйлари уларнинг оёққа туриб олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва фарзандларини баркамол этиб тарбиялаши учун рағбат, катта мадад бўлмоқда.

Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик барча соҳалар қатори туризм ривожида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий туризм инфратузилмаси ва юқори сифатли хизмат дунё сайёҳларини ўзига жалб этмоқда.

2014 йилнинг октябрида Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўтказилди. Бу халқаро майдонда Ўзбекистон обрўсининг тобора ошиб бораётгани, мамлакатимизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётганининг яна бир далолати бўлди. Ушбу анжуман жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти билан кенг таништириш, хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилди.

...Байрам тантанаси янада қизийди. Мониторларда улоқ-кўпкари, кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, дорбозлик каби элимизнинг завқли анъаналари намойиш этилади. Дошқозонларда тўқчилик, мўл-кўлчилик рамзи сифатида сумалак, ҳалим ва гўжа тайёрланади. Ўланчию лапарчилар Ватан, Наврўз, табиат ҳақида қўшиқлар айтади.

Наврўз фаслида инсон ўзини табиатнинг ажралмас, узвий бир қисми сифатида ҳис этади. Атроф-муҳитни, она заминни эъзозлаб, унинг неъматларини қадрлаб яшаш кераклигини теранроқ англайди.

Халқимиз азалдан табиатни севиб, ардоқлаб яшаган. Мамлакатимизда атроф-муҳитни асраш, барқарор ривожланишга эришиш борасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Урганч шаҳрида «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида ўтказилган халқаро конференция бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Унинг натижалари Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилаш, ушбу экологик офатнинг салбий оқибатларини камайтириш учун халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этди.

Янгиланиш – нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос жараён. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ юртимизда демократик янгиланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди, Конституциямиз ва қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бунинг самарасида сайловларнинг халқаро нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базаси шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар ана шундай ривожланган шароитда, демократик принципларга тўла мос равишда ўтди. 2014 йил 21 декабрда бўлиб ўтган ушбу тадбирда аҳолининг сиёсий онги ва фаоллиги ортиб бораётгани намоён бўлди.

Шу кунларда халқимиз яна бир муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турибди. Мамлакатимизда бу тадбирга катта тайёргарлик кўрилди. Сайлов кампанияси миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда олиб борилмоқда. 29 март куни халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти, фарзандлари келажаги учун овоз беради.

– Ҳиндистон ва Ўзбекистон халқларининг тарихи туташ, маданияти ўхшаш, – дейди Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Викрам Кумар Дораисвами. – Бундай яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Наврўз шарқона йилбоши ҳисобланади. Шу боис бу кун ўзаро дўстлик ва ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишини ният қилмоқдаман. Бу йил халқларимизга янги-янги муваффақиятлар, бахт ва фаровонлик олиб келсин. Наврўз барчамизга муборак бўлсин.

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида тенглик ва тотувлик, меҳру оқибат, хайру саховат мужассам. Наврўз кунларида эл-улус очиқ юз билан бир-биридан хабар олади. Беморлардан ҳол-аҳвол сўрайди. Ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, кўмакка муҳтожларга беғараз ёрдам бериш кенг тус олади.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ёши улуғ инсонларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, саломатлигини асраш, бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар камолоти йўлида самарали фойдаланиш халқимизнинг эзгу қадриятига айланганини яна бир бор тасдиқлади.

Иқтисодиётимизнинг жадал ва барқарор ривожланаётгани аҳоли турмуш даражаси ва сифатини муттасил оширишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳар йили уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга бепул тиббий хизмат кўрсатилмоқда, улар санаторий-курортларда даволанмоқда, бошқа зарур воситалар билан таъминланмоқда.

Жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида жорий йилда амалга ошириладиган хайрли ишлар белгилаб берилган. Мазкур дастур кексаларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда уларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Наврўз ободлик, ораслик, меҳр-оқибат, хайру саховат айёмидир. Халқимиз бу йил ҳам байрамни ана шу эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олмоқда. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиқди.

Байрам арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшади, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Майдон узра таралган куй-қўшиқларда Наврўз, Ватан, тинчлик, ёшлик, севги ва садоқат тараннум этилади...

Қиру адирларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, юртимиз бўйлаб Наврўз нашидаси кезмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда, бепоён дашту далаларда байрам шодиёналари, сайиллар давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбирлари
Сарвар Ўрмонов ва
Аъло Абдуллаев олган суратлар

Сайлов — 2015

КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

ёшларимизнинг аҳди шундай

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчиларни мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва уни ўтказишга оид жараёнлар билан таништириш мақсадида тушунтириш-тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари Қ.Жўраев, Н.Мухторов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи М.Комилов, университет проректори Б.Зокиров ва бошқалар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшлар ҳал қилувчи куч эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик талаблар ва халқаро стандартларга мос сайлов тизими шакллантирилди. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш, фуқаролар, жумладан, ёшларнинг сайлов ҳуқуқларини тўла амалга ошириши учун шарт-шароит яратиш борасидаги қонунчилик изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирларда йигит-қизлар миллий сайлов тизимини демократлаштириш, сайловни очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтказишга қаратилган ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан атрофлича таништирилаётир.

– Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирда иштирок этишнинг масъулиятини ҳозирдан чуқур ҳис этмоқдамиз, – дейди талаба Мансур Ражабов. – Университетимизда ташкил этилаётган «Сенинг овозинг ҳал қилувчи кучга эга» мавзусидаги ахборот соатларида кўппартиявийлик асосида ўтказилаётган сайловнинг моҳияти, уни юқори савияда ўтказиш учун яратилаётган шарт-шароит ҳақида етарли маълумот олиб, Конституция ва сайлов қонунчилигимизга доир билимимизни янада бойитмоқдамиз. Бу бўлажак сайловда фаол фуқаролик позициямизни эркин намоён этишга ёрдам беради.

– Университетимизда бу йилги сайловнинг аҳамияти, сайлов қонунчилиги билан таништиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда, – дейди талаба Дурдона Сафарова. – Президент сайловида илк бор овоз бераман. Бу мен учун ўта ҳаяжонли. Зеро, сайловда ўзим танлаган номзодга овоз беришим мамлакатимиз тақдири, ҳаётимиз фаровонлигига овоз бериш эканини дилдан ҳис қилмоқдаман.

Тадбирда Президент сайловида фаол иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи экани, мамлакатимизда ўз мустақил фикри ва ҳаётий позициясига таянган ҳолда муносиб номзодга овоз бериш қонун билан кафолатлангани таъкидланди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

* * *

Тошкент Давлат иқтисодиёт ва Тошкент Давлат техника университетлари ҳамда Тошкент Давлат шарқшунослик институтида ёшларнинг сайлов жараёнида фаол иштирокини таъминлаш ва бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўтказилган семинарларда айнан юқоридаги мавзу доирасида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Олий таълим муассасалари талаба-ёшлари фаоллигида ўтган ушбу тадбирларда Тошкент Давлат юридик университети доцентлари Э. Қодиров, А. Ҳошимжонов, О. Бобожонов ва бошқаларнинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида халқаро стандартларга мос келадиган миллий сайлов тизими шакллантирилгани, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқини кафолатловчи мустаҳкам қонунчилик асослари яратилганлиги, жумладан сайловлар халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган, мамлакат сиёсий тараққиётига фаол таъсир этиш воситаси эканлиги, шу билан бирга жамият аъзоларининг орзу-интилишлари, олиб борилаётган сиёсатга муносабати аниқланиши, фикрлар хилма-хиллиги намоён бўлиши ҳақидаги маърузалари тингланди.

— Президент сайлови — Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир, — дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши бўлим бошлиғи Санжар Саидов. — Ушбу сиёсий жараёнда ёшларнинг ўз ҳаётий ва сиёсий позициясини намоён этиши бўлажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини демократия принципларига тўлиқ ҳолда ўтказиш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш имконини беради. Биз Президент сайлови мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида Тошкент Давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги 34 та олий ўқув юртлари ва 10 дан ортиқ касб-ҳунар коллежларида семинар ва давра суҳбатларини ўтказдик. Талаба-ёшлар ушбу учрашувлар давомида ўзларига керакли билимларни олдилар.

Барчамизга маълумки, ҳар қандай давлатнинг ижтимоий тараққиётига таъсир қилувчи, мамлакатнинг демократик характерини кўрсатувчи кўплаб ҳолатлар бўлиб, уларнинг орасида сайлов алоҳида ўрин тутади. Демократик тамойиллар асосида ташкил қилинадиган ва ўтказиладиган сайловлар бир томондан, шу мамлакатдаги фуқароларнинг давлат органларини тузиш, уларнинг ишида бевосита иштирокини таъминласа, иккинчи томондан, тўғри ташкил қилинган демократик сайловлар натижасида фуқаро ва жамият манфаатига мос давлат органлари вужудга келади.

— Биз ёшларнинг сайловда қатнашиш ҳуқуқимиз қонун билан мустаҳкамланган ва унга албатта, риоя қилишимиз, ўз фуқаролик бурчимизни фаоллик ҳамда юксак масъулият билан адо этишимиз лозим, — дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси Жасур Долимов. — Президент сайлови мамлакатимиздаги демократик юксалишнинг муҳим омили саналади. Шу боис унда иштирок этадиган ҳар бир фуқаро ўз ҳаёти, келажаги, давлат ва жамият равнақи учун овоз бериши керак деб ўйлайман. Президентликка номзодлар томонидан таклиф этилаётган дастурлар ўзига хос йўналишларга эга. Шунинг учун, уларни чуқур ўрганиш жуда муҳимдир. Сайловолди учрашувлари биз каби сайловда илк бор иштирок этаётган ёшларнинг билим ва сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. 29 март куни бўлиб ўтадиган Президент сайловида менинг ҳам овозим аҳамиятга эга эканидан хурсандман. Албатта бу имкониятдан фойдаланиб, ўзим муносиб деб билган номзодга овоз бераман.

— Бугунги кунда аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билими, фаоллиги тобора ортиб бораётгани Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёнида янада яққол сезилмоқда, — дейди Тошкент Давлат юридик университети «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси Шерзод Пўлатов. — Эртанги кунимизнинг янада фаровон ва обод бўлиши, юртимиз равнақи, тинчлик-тотувликнинг бардавом бўлиши учун ушбу сайловда барчамиз фаол ва кўтаринки кайфиятда иштирок этамиз, албатта.

Мухтасар қилиб айтганда, олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ёшларнинг сайловга оид билимларини мустаҳкамлаш, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва қарашларини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, олдимизда турган муҳим сиёсий тадбирни юксак савияда ўтказишга замин яратади.

* * *

Сайлов жараёнига тайёргарлик борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам фаол иштирок этаётир. «Ёшлар сайловга тайёр», «Сенинг овозинг ҳал қилувчи кучга эга», «Бугунги ўқувчи – эртанги сайловчи» каби лойиҳалар асосида мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари, коллежлар, лицейлар, мактаб ва маҳаллаларда сайлов қонунчилиги юзасидан ҳуқуқий тарғибот, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётир.

Ёшларнинг депутатлар, олимлар, сиёсатчилар, ҳуқуқ-тартибот ва маънавият соҳаси вакиллари билан учрашувлари уюштирилаётир. Бу жараёнда йигит-қизлар миллий сайлов тизимини демократлаштириш, сайловни очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтказиш, таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан таништирилмоқда.

«Камолот»нинг Тошкент шаҳри Юнусобод тумани бўлими фаоллари ушбу лойиҳаларни амалга оширишда «тенгдош – тенгдошга» тамойилидан самарали фойдаланмоқда. Тошкент давлат юридик университети талабаларидан тузилган гуруҳлар олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда ўтказилаётган тадбирларда Конституция ва сайлов қонунчилиги, кўппартиявийлик асосида ўтказилаётган Президент сайловининг моҳияти, уни юқори савияда ўтказиш учун яратилган шарт-шароит ҳақида атрофлича маълумот бермоқда.

Сайлов қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Президент сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга. «Камолот» томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳаларда сайловда илк бор овоз берадиган шундай ёшларни кенг қамраб олиш, уларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

– Президент сайловида илк бор овоз бераман, – дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Муаттархон Рўзибоева. – «Камолот» томонидан ташкил этилаётган тарғибот лойиҳаларида фаол иштирок этиб, мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг ўзига хос жиҳатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, сайловга кўрилаётган тайёргарлик хусусида маълумотга эга бўлдим. Сайловда овоз бериш орқали мамлакатимиз тараққиёти, ҳаётимиз фаровонлигига ўз ҳиссамни қўшишга мушарраф бўлаётганимдан бениҳоя мамнунман.

* * *

Конституциямизда фуқароларимизнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлигининг эътироф этилганлиги, шунингдек, уларнинг овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлигининг қонун билан кафолатланганлиги мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари билан мустаҳкамланган демократик принципларга оғишмай амал қилинаётганлигидан далолат беради.

Фуқароларимизнинг Конституция ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқларининг амалдаги сайлов тўғрисидаги ва бошқа қонунлар асосида давлат муҳофазасига олинганлиги сайлов жараёнининг халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда эмин-эркин ўтказилишига замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишлар сайлов қонунчилигини эркинлаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди. Жаҳон амалиётида илк бор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган давлат ҳокимияти органи тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилди.

Таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида мамлакатимиз сайлов тизими умумэътироф этилган халқаро нормаларга тўла мослаштирилди. Юртимизда сайловларнинг очиқ-ошкоралик руҳида, муқобиллик ва кўппартиявийлик муҳитида ўтиши, сайловолди жараёнларида барча партия ва номзодларга бир хил шароит яратиб берилиши юқоридаги фикримизни яққол тасдиқлайди.

Тошкент Автомобиль-йўллар институтида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишлаб «Сайловда фаол иштирок этиш — менинг фуқаролик бурчим» мавзусида ўтказилган сиёсий ҳуқуқий ва маънавий-маърифий тарғибот тадбирида ана шулар хусусида фикр юритилди.

Унда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари Қ.Жўраев, Н.Мухторов, Ўзбекистон Миллий университети профессори Ш.Тоғаев ва бошқалар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари мазмун-моҳияти юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Маърузачилар Ўзбекистоннинг амалдаги сайлов қонунчилиги қандай янги нормалар билан тўлдирилганлиги, «Сайлов ҳуқуқи», «Сайлов тизими», «Сайловолди ташвиқоти» ва бошқа шу каби сайлов жараёнлари билан боғлиқ тушунчаларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида талаба-ёшларга маълумотлар беришди.

— 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий воқеа, — дейди Тошкент автомобиль йўллари институти талабаси Бобир Шукуров. — Шундан келиб чиққан ҳолда биз ёшлар ҳар бир номзоднинг сайловолди дастури билан танишиб, учрашувларда сайловнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги билимларимизни мустаҳкамладик. Ишонамизки, сайлов куни ҳар бир ёш ўзи муносиб деб билган номзод учун овоз беради.

Тадбир давомида талабалар сайлов жараёни билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

Тадбир очиқ мулоқот руҳида ўтиб талаба-ёшлар сиёсий-ҳуқуқий онгининг янада ошишида муҳим аҳамиятга эга учрашув сифатида катта таассурот қолдирди.

Саҳифани ЎзА ва «Тошкент оқшоми» мухбирлари тайёрлади

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш мақсадида мамлакатимизга келган халқаро кузатувчилар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси Арнис Цимдарс билан учрашувда мамлакатимизда сайловларни очиқ-ошкора, эркин ва адолатли ўтказиш, фуқароларнинг сайлов жараёнларида фаол иштирок этиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилганини таъкидлади. Бу фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишига, Ўзбекистоннинг демократия йўлидан изчил бориб, юксак марраларни эгаллашига замин яратмоқда.

2014 йил 16 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун сайловларни демократик, очиқ-ошкора ўтказиш, унда қонунийликни ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолати бўлди. Қонунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, унинг фаолиятига доир асосий принциплар конституциявий норма тарзида мустаҳкамлаб қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайлов кампанияси жараёнида Президентликка номзодларга тенг шароит ва имкониятлар таъминланмоқда. Сайлов участкаларида сайловчиларнинг сайлов билан боғлиқ маълумотлар билан танишиши учун барча имконият яратилган.

– Ўзбекистон сайлов тизими, сайлов қонунчилиги ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдим, – дейди Арнис Цимдарс. – Сайловни юқори савияда ўтказиш учун барча тайёргарлик ишлари кўрилган.

* * *

Шу куни Марказий сайлов комиссиясида Ҳиндистондаги «Бҳаратия Жаната» партияси мувофиқлаштирувчиси Вижай Жолли билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссиясининг олиб бораётган ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил тарзда олиб бориши, унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши сайловларни демократик тарзда ўтказишга йўл очмоқда.

– Ўзбекистонда сайловларни халқаро демократик талаблар асосида ўтказиш учун барча ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитлар яратилган, – дейди Вижай Жолли. – Бунга ўтган йили декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайлов жараёнини кузатиб амин бўлганман. Бу ҳақдаги ўз хулосаларимни «Ўзбекистон — Ҳиндистон: дўстлик, ривожланиш, юксалиш йўлида» рисоласида баён этдим. Президент сайлови ҳам юқори савияда ўтишига ишонамиз. Сайловга тайёргарлик жараёни ҳамда халқингизнинг фаоллиги шундан далолат бериб турибди.

Учрашувлар якунида меҳмонларга халқаро кузатувчи мақомини берувчи мандатлар топширилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Реклама ўрнида

«QUNDUZA»
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

ҳамшаҳарларимизни янгиланиш ва яшариш рамзи — Наврўзи олам байрами билан муборакбод этади.

Баҳорий кайфият йил бўйи қалбингизни тарк этмасин, хотиржамлик, бахту иқбол ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин, азизлар.

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

АЗИЗ ХАМШАҲАРЛАР!

Кўҳна ва ҳамиша навқирон, дилларга қувонч бахш этадиган Наврўзи олам барчангизга баҳордек янгиланиш, бахт ва омад олиб келсин, энг эзгу орзуларингизни рўёбга чиқариш Сизга насиб этсин.

Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

«ART MEBEL GROOP»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

«12 – АВТОБУС САРОЙИ» ОАЖ ЖАМОАСИ

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ НАВРЎЗИ ОЛАМ ШОДИЁНАЛАРИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Юртимизда тинчлик, оилаларимизда тотувлик, кўнгилларимизда шукроналик ва баҳорий кайфият ҳамиша бардавом бўлсин.

Она-Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

«2 – АВТОБУС САРОЙИ» ОАЖ ЖАМОАСИ

ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН СОҲА ХОДИМЛАРИНИ


НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Наврўзи олам шукуҳи дилларимизни шод, қалбларимизни чароғон этсин. Халқимизга хос бўлган меҳру оқибат ҳеч биримизни асло тарк этмасин.

Реклама ўрнида

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ



шаҳримиз тадбиркорлари ва ишбилармонларини баҳорий уйғониш ва янгиланиш, меҳр-саховат, дўстлик ва эзгулик байрами ҳисобланмиш Наврўзи олам билан муборакбод этади. Наврўз – бунёдкорлик ва табиатнинг битмас саховати рамзидир. Миллий байрам барчамизнинг оиламиз, хонадонимизга фаровонлик ва барака келтирсин!

Сизларга меҳнат фаолиятингизда муваффақият ва олдингизга қўйилган мақсадларингизга эришишингизда омад, соғлик-саломатлик, қувонч ва кўнгил хотиржамлигини тилаймиз!

Азиз ҳамшаҳарлар!

Барчангизни фусункор табиатнинг бебаҳо неъмати, ўз файзу тароват билан ҳар биримизнинг қалбимиздан жой олган Наврўз умумхалқ байрами билан самимий қутлаймиз.

Сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонингизга кут-барака тилаймиз!

Қалбимиздан Наврўз шукуҳи ҳеч қачон аримасин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА ТИББИЁТ ҲУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ

“САВДОГАРБАНК” АТ БАНКИ ЖАМОАСИ


АЗИЗ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ



гўзаллик ва нафосат айёми бўлмиш Наврўз байрами билан чин юракдан муборакбод этади. Юртимизга тинчлик-осойишталик, хонадонларимизга файзу барака, халқимизга бахту иқбол ёр бўлсин. Хайру саховат, меҳр-оқибат сингари эзгу фазилатлар ҳеч биримизни тарк этмасин.

IPAK YO'LI BANK

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!



Барчангизни Наврўзи олам шодиёналари билан самимий муборакбод этамиз!

“ИПАК ЙЎЛИ” БАНКИ ЖАМОАСИ

АЗИЗ МАДАНИЯТИМИЗВА САНЪАТИМИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ, ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Сизларни ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЙ САНЪАТ МУЗЕЙИ ЖАМОАСИ
баҳор ва янгиланиш айёми – Наврўз байрами билан муборакбод этади.



Озод ва обод юртимизга хуш келдинг, уйғониш, яшариш ва меҳр-оқибат айёми Наврўз. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, юртдошлар!

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ



серқуёш ўлкамизнинг кўп миллатли аҳолисини она табиатнинг янгиланиши, яшариши рамзи бўлмиш кўҳна ва навқирон Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади. Хонадонингизга тинчлик-тотувлик, файзу барака, тўкин-сочинлик тилаймиз. Озод ва обод Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин!

Реклама ўрнида





«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Касаба уюшмалари фаолиятидан

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда.

Жумладан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалар маркази касаба уюшмалари ташкилотида ўтказилган ҳисобот йиғилишида касаба қўмитаси раиси Ш.Мусаев томонидан ўтган 2010-2015 йилнинг февраль ойигача давр мобайнида марказ касаба уюшмаси, юқори касаба уюшма ташкилотлари томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида олиб борилган хайрли ишлар, шунингдек, бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ечимини кутаётган айрим муаммолар хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Шунингдек, тадбир давомида Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Шерзод Жўраев, касаба уюшмалари аъзолари Ашраф Аҳмедов, Дилором Юсупова, Омонилла Бўриев, Сурайё Каримова ва бошқалар сўзга чиқиб ўтган давр мобайнида касаба уюшма ташкилоти томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди ҳамда ушбу фаолиятни қониқарли деб баҳоладилар.

Йиғилишда ҳар йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгилаб олинган устувор йўналишлар айнан ходимларнинг манфаатларини янада кўпроқ ҳимоялашга қаратилаётганлиги, касаба уюшма тизимига жорий этилаётган янгиликлар, жамоа шартномаларига киритилган қўшимча бандлар, шунингдек, юқори касаба уюшма ташкилотлари томонидан олиб борилаётган хайрли ишлар қуйи бошланғич ташкилотларга қаратилган амалий ёрдамлар эканлиги таъкидланиб, шу билан бирга ҳали касаба уюшмалари фаоллари олдида турган ечимини кутаётган долзарб масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда касаба уюшмаси қўмитаси таркиби, касаба уюшмаси раиси ва раис ўринбосари сайланди. Шунингдек, касаба уюшмаси қўмитасига яқиндан кўмаклашган, бугунги кунда устозлик қилаётган кекса ёшдаги касаба уюшма фаоллари бирлашган қўмита томонидан рағбатлантирилди.

(Ўз мухбиримиз)

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, мутахассислар салоҳиятини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЮРИДИК КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 28 июндаги «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бунинг ёркин ифодасидир. Қарор асосида халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид вазифалар ижроси изчил таъминланаётир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «Юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш – давр талаби» мавзусида ташкил этилган учрашувда шулар ҳақида сўз юритилди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ҳамда Тошкент давлат юридик университетлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда талабалар, профессор-ўқитувчилар, прокуратура масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда таълимнинг барча бўғинида чуқур ҳуқуқий билим берилаётгани аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият ҳуқуқий давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Ушбу йўналишда Тошкент давлат юридик университети, Қорақалпоқ давлат университетининг тарих ва ҳуқуқ факультети, лицей ва коллежларда ҳуқуқшунослар тайёрланмоқда. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида ҳар йили адлия, суд, юридик хизмат, адвокатура ва давлат бошқаруви йўналишлари бўйича ҳуқуқшунослар малака оширмоқда.

Олий таълим муассасаларида ҳуқуқий фанларни ўқитиш такомиллашиб, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг амалий машғулотлар ўтказиши йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётир. Масалан, ўтган ўқув йилида ўқув машғулотлари ўтказиш учун Бош прокуратурадан 13 нафар малакали ходим Тошкент давлат юридик университетига жалб қилинди.

Тадбирда талабаларга прокуратура органлари, хусусан, Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Ёшлар Бош прокуратура олий ўқув курслари, музей ва спорт мажмуаси билан танишди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Танловлар

ИҚТИДОРЛИ ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Тошкент шаҳар алоқа касб-ҳунар коллежида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2015» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар якуний босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан белгиланган вазифаларни бажариш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий билими ва истеъмол маданиятини ошириш мақсадида февраль-март ойларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилигини ўрганиш бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи – 2015» кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси ҳамда Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг Тошкент шаҳар якуний босқичида туманларда ғолибликни қўлга киритган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари иштирок этишди.

Танловни ташкил этишдан мақсад истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашда хизмат қиладиган қонун ҳужжатлари билан ёшларни таништириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишдан иборат.

Кўрик-танловнинг якуний босқичи учта шарт бўйича ўтказилиб, унда иштирокчилар танишув, савол-жавоб ва тест синовлари орқали беллашдилар.

Якуний натижаларга кўра биринчи ўрин Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 2-сон академик лицейига, иккинчи ўрин Ўзбекистон давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейига, учинчи ўрин эса 1-Тошкент юридек коллежига насиб этди.

— Мазкур танловда ғолиб бўлганимдан хурсандман, — дейди Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 2-сон академик лицей ўқувчиси Моҳинур Жўраева. — Мени қувонтирадиган яна бир нарса шуки, танлов сабаб ҳуқуқий билимларимиз янада ошди. Оддий истеъмолчи сифатида ҳақ-ҳуқуқларимизни ўргандик. Шу билан бирга кўплаб дўстлар ҳам орттирдик.

Шунингдек, танловда «Энг фаол устоз» номинацияси ҳам таъсис этилди. Ушбу номинацияга Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси лойиқ топилди.

Ғолибларга танлов ташкилотчилари томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Абдуалим САЛИМОВ

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

(Давоми.
Боши ўтган сонда)

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сайлов-2015».
7.30 «Ер сайёраси». Х/ф.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Электр нурлари». Х/ф.
9.10 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
9.50 1. «Дидар». 2. «Рангинкамон».
10.20 «Руҳшунос». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас риштлар». Т/с.
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Сайлов-2015».
15.00 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
15.35 «Менинг боғим».
15.55 «2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили». «Эъзоз».
16.15 «Яшил хазина». Х/ф.
17.00 «Ахборот».
17.10 «Муносабат».
17.55 «Иқлим».
17.50 «Кўзгудаги юрт».
18.05 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.10 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.35 «Муқаддас риштлар». Т/с.
19.10 Марказий сайлов комиссияси хабарлари /инглиз/.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Сайлов – демократия кўзгуси».
21.00 «Ахборот».
21.40 – 23.55 Ҳинд киноси: «Созни баландроқ чалинг».
23.55 «Кўзгудаги юрт».
00.15 «Иқлим».
00.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
2.05 «Шарқ тароналари».
2.15 ТелеТеатр: «Алдагани хотин яхши». 2-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.35 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
5.15 «Менинг боғим».
5.35 – 5.55 «Эъзоз».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Бир қадам». Т/с.
7.40 «Ёшлик наволари».
8.00 «Қўза». Б/ф.
8.40 «Ўзбек адабиёти».
8.50 «Сайлов-2015».
9.50 «Юрт келажаги».
10.00 «Давр».
10.10 «Қасоскор бургут». Т/с.
11.00 «Мадагаскар». Х/ф. 5-қисм.
11.40 «Наврўз нафаси».
12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
12.50 «Оғоҳ бўлинг!»
13.00 «Давр».
13.10 «Бетховен». Б/ф. 5-қисм.
14.40 «Ҳаёт сўқмоқлари».
15.10 «Олтин даврим». Т/с.
16.00 «Давр».
16.10 «Эъзоз ва эҳтиром».
16.30 «Артист». Б/ф.
19.00 «Давр».
19.30 «Сарой жавоҳири». Т/с.
20.20 «Қизлар мактаби».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Қасоскор бургут». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Темир никобли одам». Б/ф.
00.40 «Наврўз нафаси».
1.00 «Ҳаёт сўқмоқлари».
1.30 «Юрт келажаги».
1.50 «Салом, Наврўз!»
2.10 «Мафтункор наволар».
2.50 «Соғлом ҳаёт».
3.10 «Тараннум».
4.00 «Мадагаскар». Х/ф. 5-қисм.
4.40 «Доктор Куинн». Т/с.
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 «Poytaxt».
6.20 Миллий сериал: «Фидойилар».
7.00 «Тошкент вақти».
9.10 «Лус Мария». Т/с.
9.50 «Poytaxt-sport».
10.20 «Отель «Адлон». Т/с.
11.15 «Шпион по соседству». Х/ф.
13.10 «Дастур асосида».
13.45 «Poytaxt-intervyu».
14.10 «Саломат бўлинг!» тележурнали.

ЖУМА, 27

14.35 «Poytaxt-biznes».
14.40 «Кинотақдим».
15.10 «Интиқом». Т/с.
15.50 «Poytaxt-sport».
16.15 «Кўкка совурилган пуллар». Б/ф.
17.35 «Телетаҳлил».
17.55 «Ишга марҳамат!»
18.20 «Мобил камера».
18.30 «Эртамиз эгалари».
18.50 «Пойтахт-репортаж».
19.00 «Лус Мария». Т/с.
19.45 «Телемаркет».
20.20 «Интиқом». Т/с.
21.10 «Сайёр камера».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Стрекоза». Х/ф.
00.05 «Тақдирлар».
00.35 «Пойтахт йўлларида».
1.00 «Poytaxt-avto».
1.10 «Отель «Адлон». Т/с.
1.50 «Poytaxt-biznes».
2.10 «Лиззи Магуайер». Б/ф.
3.40 «Poytaxt-eko».
3.55-5.55 «Тошкент вақти».

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Шижоат».
6.30 АНОНС.
6.35 «Манчестер Юнайтед юлдузлари». Ҳужжатли фильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 Интерфутбол.
9.50 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати.
11.00 «SPORT REPORT».
11.10 Стол тенниси. Халқаро турнир.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 АНОНС.
13.05 «Евротайм».
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 «Манчестер Юнайтед юлдузлари». Ҳужжатли фильм.
14.40 «Матонат».
15.00 Велоспорт. Халқаро турнир.
16.20 «Ардоқ».
16.45 Теннис. ATP/WTA турнири.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Спорт сайёраси».
18.20 «Техно-спорт».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Ифтихоримсан, спорт!»
19.10 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати.
20.20 «Мураббий».
20.40 «ЕВРОТАЙМ».
21.25 «Спорт-маркет».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 Интерфутбол.
23.35 АНОНС.
23.40 «Техно-спорт».
23.45 АНОНС.
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Интерфутбол.
1.40 ХАБАРЛАР.
2.00 АНОНС.
2.05 Баскетбол.
3.15 Велоспорт. Халқаро турнир.
4.35 АНОНС.
4.40 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

Первый канал

04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00 Новости
07.05 «Пусть говорят»
08.00 Новости
08.05 Новости спорта
08.10 Контрольная закупка
08.35 «Жить здорово!»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.00 Новости
11.15 Т/с «Орлова и Александров»
13.05 Смак
13.40 «Время покажет»
14.00 Новости
14.20 «Время покажет». Продолжение
15.15 «Мужское/Женское»
16.10 «Жди меня»
17.00 Вечерние новости
18.00 «Человек и закон»
19.00 «Поле чудес»
20.00 «Время»
20.30 «Достояние Республики»
22.30 «Вечерний Ургант»
23.20 Т/с «История студии «Sound City»
01.10 Х/ф «Интердевочка»
03.40 Модный приговор

Россия

05.00 «Утро России».
08.55 «Мусульмане».
09.10 «Иннокентий Смоктуновский. Пророчество для гения».
10.05 «О самом главном». Ток-шоу.
11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 19.35 Вести.
11.35, 14.30, 17.10 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с «Тайны следствия».
12.55 «Особый случай».
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с «Последний янычар».
16.00 Т/с «Я больше не боюсь».
18.15 «Прямой эфир».
20.15 «Главная сцена».
22.35 Футбол. Чемпионат Европы-2016. Отборочный турнир. Черногория – Россия. Прямая трансляция.
00.40 Х/ф «Кандагар».
02.50 «Горячая десятка».
03.55 «Комната смеха».
04.40 Х/ф «Опасно для жизни».

НТВ

05.00 НТВ утром
07.10 Дело врачей
08.00, 09.20 Т/с «Возвращение Мухтара»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня
11.00, 12.20 Суд присяжных
13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие
14.00 Прокурорская проверка
15.20 Все будет хорошо!
16.20 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
18.40 Говорим и показываем
19.40 Х/ф «Ультиматум»
23.35 Х/ф «Чудовище во мраке»
01.45 Т/с «Пятницкий. Глава третья»
03.35 Т/с «ППС»
04.35 Т/с «Профиль убийцы»

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Шунчаки севдим». Б/ф. 1-қисм.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Пойгачи Херби». Б/ф.
10.35 «Бизнес-старт».
11.15 «Ўзингни англа». Ток-шоу.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Фаройиб мерос». Б/ф.
14.30 «Заковат».
15.30 «Ўн олти истак». Б/ф.
17.00 «Ахборот».
17.10 «Шумтакалар». Ҳажвий тележурнал.
17.20 «Кўрганларимиз ҳақида».
17.45 «Флаббер». Б/ф.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Кўнгил ободлиги».
22.00 «Дилнаво».
22.35 – 00.45 «Чин истеъдод соҳиби». Б/ф.
00.45 «Шарқ тароналари».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 «Чавандоз». Б/ф.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 «Кўрганларимиз ҳақида».
5.05 «Мусаффо маскан».
5.35 – 5.55 «Кўнгил ободлиги».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Миллий мерос».
7.00 «Бир қадам». Т/с.
7.40 «Ёшлик наволари».
8.00 «Ажойиб хаёлпараст». Б/ф.
9.30 «Соғлом ҳаёт».
9.50 «Юрт келажаги».
10.00 «Давр».
10.10 «Шум бола». Б/ф.
11.50 «Табассум қил!»
12.10 «Совға». Б/ф.
12.50 «Ифтихорим».
13.00 «Давр».
13.10 «Бетховен». Б/ф. 6-қисм.
14.50 «Имкон-шоу».
15.50 «Огоҳ бўлинг!»
16.00 «Давр».
16.10 «Дил». Б/ф.
18.50 «Телетуҳфа».
19.00 «Давр».
19.30 «Олтин микрофон».
20.20 «Ош бўлсин!»
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Имкон-шоу».
22.00 «Давр».
22.30 «Граф Монте Кристо». Б/ф.
00.40 «Салом, Наврўз!»
1.00 «Эъзоз ва эҳтиром».
1.20 «Табассум қил!»
1.40 «Наврўз нашидаси».
2.00 «Давр мавзуси».
2.20 «Автопатруль».
2.40 «Наврўз нафаси».
3.00 «Миллий мерос».
3.50 «Биз киммиз?»
4.00 «Афсона ва ҳақиқат».
5.00 «Ош бўлсин!»
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00 «Бу ажиб дунё». Х/ф.
7.00 «Тошкент вақти».
9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 «Poytaxt».
9.10 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». Т/с.
9.40 «Обод хонадон».
10.20 «У моря». Х/ф.
12.10 «Лус Мария». Т/с.
12.50 «Шаг за шагом».
13.20 «Сифат назорати».
13.45 «Пойтахт-репортаж».
14.10 «Отель «Адлон». Т/с.
14.50 «Тошкентнома».
15.10 «Интиқом». Т/с.
15.50 «Poytaxt-reportaj».
16.10 «Тўй можароси». Б/ф.
17.55 «Ишга марҳамат!»
18.20 «Дилбандим» тележурнали.
18.50 «Мобильная камера».
19.00 «Лус Мария». Т/с.
19.45 «Телемаркет».
20.20 «Интиқом». Т/с.
21.15 «Олинг-олинг».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Тошкент вақти».
23.20 «Особое мнение». Х/ф.

ШАНБА, 28

1.00 «Пойтахт-эко».
1.10 «Отель «Адлон». Т/с.
1.50 «Poytaxt-Hi-tech».
2.10 «Кўкка совурилган пуллар». Б/ф.
3.35 «Телетаҳлил».
3.55 – 5.55 «Тошкент вақти».

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Ифтихоримсан, спорт!»
6.25 АНОНС.
6.30 «Манчестер Юнайтед юлдузлари». Ҳужжатли фильм.
6.50 Баскетбол.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 Интерфутбол.
9.55 АНОНС.
10.00 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати.
11.10 АНОНС.
11.15 Интерфутбол.
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 «Евротайм».
13.50 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.10 АНОНС.
14.15 «Манчестер Юнайтед юлдузлари». Ҳужжатли фильм.
14.35 АНОНС.
14.40 «Мураббий».
15.00 Велоспорт. Халқаро турнир.
16.20 «Миллий томошалар».
16.45 «Биласизми?»
16.50 АНОНС.
16.55 Теннис. ATP/WTA турнири.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Спорт сайёраси».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати.
20.15 Дзюдо. Гран-при турнири.
21.25 «Спорт-маркет».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.40 АНОНС.
23.45 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Баскетбол.
1.25 АНОНС.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Интерфутбол.
3.35 Велоспорт. Халқаро турнир.
4.50 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

Первый канал

05.00 Новости
05.10 Гении и злодеи
05.35 Х/ф «Девять дней одного года»
07.25 «Играй, гармонь любимая!»
08.00 Умницы и умники
08.45 «Слово пастыря»
09.00 Новости
09.15 Смак
09.50 «Смешарики. Новые приключения»
10.00 К юбилею актера. «Иннокентий Смоктуновский. За гранью разума»
11.00 Новости
11.15 «Идеальный ремонт»
12.20 Х/ф «Берегись автомобиля»
14.00 Новости
14.10 Т/с «Красавица»
16.00 «Кто хочет стать миллионером?»
17.00 Вечерние новости
17.15 «Угадай мелодию»
18.00 Коллекция Первого канала
20.00 «Время»
20.20 «Сегодня вечером»
21.50 «Что? Где? Когда?»
22.55 Х/ф «Кавказская пленница, или Новые приключения Шурика»
00.20 Х/ф «Привет семье!»
02.00 Х/ф «Человек с аккордеоном»
03.30 Х/ф «Летние сны»

Россия

06.35 «Сельское утро».
07.05 «Диалоги о животных».
08.00, 11.00, 14.00 Вести.
08.10, 11.30, 14.30 Местное время. Вести-Москва.
08.20 «Военная программа».
08.50 «Планета собак».
09.25 «Субботник».
10.05 «Иннокентий Смоктуновский. Пророчество для гения».
11.40 Х/ф «Зойкина любовь».
14.40 «Субботний вечер».
16.45 «Танцы со Звездами». Сезон-2015.
20.00 Вести в субботу.
20.45 Х/ф «Последняя жертва Анны».
00.40 Х/ф «Мамина любовь».
02.40 Х/ф «Человек, который знал все».
05.45 «Комната смеха».

НТВ

06.25 Смотр
07.00, 09.00, 12.00 Сегодня
07.15 Золотой ключ
07.45 Медицинские тайны
08.25 Готовим с Алексеем Зиминым
09.20 Главная дорога
10.00 Поедем, поедим!
10.50 Квартирный вопрос
12.20 Своя игра
13.15 Я худею
14.10 «Ген пьянства»
15.15 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
17.00 Следствие вели...
18.00 Центральное телевидение
19.00 Новые русские сенсации
21.00 Ты не поверишь!
21.55 Юбилейный концерт Александра Буйнова «Две жизни»
23.55 Т/с «Профиль убийцы»
01.55 Дикий мир
02.15 Т/с «Пятницкий. Глава третья»
05.05 Т/с «ППС»

ЯКШАНБА, 29

16.10 «Қўл бўйидаги уй». Б/ф.
18.15 «Дастур асосида».
18.45 «Тақдирлар».
19.15 «Кадр ортида».
19.30 «Мобил камера».
19.45 «Телемаркет».
20.15 «Тошкент вақти».
21.15 «Рангли телевизор».
21.50 «Телемаркет».
22.15 «Кинотақдим».
22.35 «Правила виноделов». Х/ф.
00.30 «Ҳикматли дунё» теленовелла.
1.00 «Кўнгил ҳайратлари».
1.30 «Poytaxt-avto».
1.40 «Профессионал».
2.10 «Тўй можароси». Б/ф.
3.55 – 5.55 «Тошкент вақти».
5.40 – 5.55 «Кунларнинг бирида».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Олтин микрофон».
7.00 «Сиз соғинган асарлар».
8.00 «Қаҳқаҳа».
8.30 «Танка». Б/ф.
9.45 «Omad lotto».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Аршин мол-олан». Б/ф.
12.10 «Қизлар мактаби».
12.30 «Ош бўлсин!»
13.10 «Шерюрак». Б/ф. 1-қисм.
14.00 «Биз киммиз?»
14.10 «Шерюрак». Б/ф. 2-қисм.
15.00 «Телетуҳфа».
15.10 «Шерюрак». Б/ф. 3-қисм.
16.10 «Ўхшайди-ку!»
17.40 «Наврўз нафаси».
18.00 «Имкон-шоу».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «Бизни айириб бўлмас». Б/ф.
22.30 «Ош бўлсин!»
23.00 «Қизлар мактаби».
23.20 «Мафтункор наволар».
00.10 «Сиз соғинган асарлар».
1.10 «Шарқ гавҳари».
2.30 «Ватанпарвар».
3.10 «Имкон-шоу».
3.50 «Салом, Наврўз!»
4.00 «Олтин микрофон».
4.40 «Қаҳқаҳа».
5.00 «Соғлом ҳаёт».
5.20 «Кексаларни эъзозлаш йили».
5.30 – 6.00 «Давр ҳафта ичида».

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00 «Бу ажиб дунё». Х/ф.
7.00 «Тошкент вақти».
9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 «Poytaxt».
9.10 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». Т/с.
9.40 «Кадр ортида».
10.15 «Жульеттага мактуб». Б/ф.
12.10 «Пазанда».
12.40 «Пойтахт-культура».
12.50 «Мобил камера».
13.10 «Мен сизга айтсам».
14.10 «Олинг-олинг».
14.40 «Тошкентнома».
15.10 «Бахт қўрғони».
15.40 «Обод хонадон».
16.55 «Ҳаёт сўқмоқлари».
17.35 «Ишга марҳамат!»
17.55 «Рангли телевизор».
18.20 «Мобил камера».
18.30 «Эртамиз эгалари».
18.50 «Пойтахт-репортаж».
19.00 «Лус Мария». Т/с.
19.45 «Телемаркет».
20.20 «Интиқом». Т/с.
21.10 «Сайёр камера».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Стрекоза». Х/ф.
00.05 «Тақдирлар».
00.35 «Пойтахт йўлларида».
1.00 «Poytaxt-avto».
1.10 «Отель «Адлон». Т/с.
1.50 «Poytaxt-biznes».
2.10 «Лиззи Магуайер». Б/ф.
3.40 «Poytaxt-eko».
3.55-5.55 «Тошкент вақти».

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Халқ ўйинлари».
6.20 «Манчестер Юнайтед юлдузлари». Ҳужжатли фильм.
6.40 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 Интерфутбол.
10.00 АНОНС.
10.05 «Миллий томошалар».
10.35 АНОНС.
10.40 «Шижоат».
11.00 Интерфутбол.
12.40 «Қувноқ стартлар».
13.10 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.15 «Қорақалпоқ спорти».
13.30 Дзюдо. Гран-при турнири.
14.40 «Эътироф».
14.50 Велоспорт. Халқаро турнир.
16.20 Теннис. ATP/WTA турнири.
17.40 АНОНС.
17.45 «Спорт сайёраси».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Орзулар кемаси».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 АНОНС.
19.05 «Rekord.uz».
20.35 Дзюдо. Гран при турнири.
21.25 «СПОРТ-МАРКЕТ».
21.30 ХАБАРЛАР.
22.00 «Sport Meteo».
22.05 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.45 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 «Дэвид Бекхэм». Ҳужжатли фильм.
00.55 АНОНС.
Қадрли телетомошабинлар! Аналог русумидаги телеузатгичларда режага мувофиқ профилактика ишлари олиб борилиши муносабати билан, 2015 йил 30 март куни соат 01-00 дан 06-00 гача «Sport» телеканали дастурларини фақат рақамли телевидение тармоқлари орқали узлуксиз томоша қилишингиз мумкин.
1.00 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати.
2.10 Баскетбол.
3.10 Велоспорт. Халқаро турнир.
4.40 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

Первый канал

05.00 Новости
05.10 «Последняя песня Валерия Золотухина»
06.05 Х/ф «Формула любви»
07.35 «Служу Отчизне!»
08.05 «Здоровье»
09.00 Новости
09.15 «Непутевые заметки»
09.30 «Пока все дома»
10.15 «Смешарики. ПИН-код»
10.30 Фазенда
11.00 Новости
11.10 «Теория заговора»
12.05 Х/ф «Неподдающиеся»
13.25 Коллекция Первого канала
16.45 Вечерние новости
17.00 «Точь-в-точь»
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
21.30 «Клуб Веселых и Находчивых». Высшая лига
23.30 Х/ф «27 свадеб»
01.20 Х/ф «Крутой чувак»

Россия

07.25 Х/ф «Молодые».
09.20 «Вся Россия».
09.30 «Сам себе режиссер».
10.20 «Смехопанорама».
10.50 «Утренняя почта».
11.30 «Сто к одному». Телеигра.
12.20 Местное время. Вести-Москва. Неделя в городе.
13.00, 16.00 Вести.
13.10, 04.35 «Россия. Гений места».
14.10, 16.30 «Смеяться разрешается».
16.20 Местное время. Вести-Москва.
17.00 «Один в один».
20.00 Х/ф «Танго мотылька».
22.00 Вести недели.
00.00 «Воскресный вечер».
02.35 Х/ф «Дочь баяниста».

НТВ

06.05 Т/с «ППС»
07.00, 02.00 Т/с «Профиль убийцы»
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Сегодня
09.15 Русское лото плюс
09.50 Их нравы
10.25 Едим дома
11.20 Первая передача
12.00 Чудо техники
12.50 Дачный ответ
14.25, 17.20 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
19.00 ЧП. Обзор за неделю
21.00 Список Норкина
22.10 Т/с «Мужские каникулы»
04.00 Дикий мир
04.10 Т/с «Пятницкий. Глава третья»

Тиббиёт

ҚУШЛАР НАВОСИ – ХАСТАЛИКЛАР ДАВОСИ

Халқимиз дилни хушнуд этувчи гўзалликлар, кайфиятни зиёда этувчи навою рақсларни, кишига ором берувчи манзараларнинг ошуфтасидир.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, табиатнинг жонли хилқати бўлмиш айрим ҳайвон ва қушлар бир қатор хасталикларга даволиклари билан ажралиб туради.

Ҳозирда жониворлар воситасида хасталикларни даволаш амалиёти бўлмиш аниматерапияга катта эътибор берилмоқда. Жониворлар воситасида даволанишнинг бир жабҳаси бўлмиш сайроқи ва манзара кашф этувчи қушларнинг бевосита ёрдамида дардга малҳамлик қилувчи орнитотерапия фани ҳам ривож топмоқда.

Аниқ маълумотларга қараганда, қушлар билан алоҳида муносабатда бўлиш оламнинг руҳий жиҳатдан уларга ёндошишини тақозо этади. Қушларнинг шодон чуғур-чуғурлари, мафтункор хониши, ранго ранг туси одамни кўнгил ғашлиги, дилгирликдан холи этади, ҳаётда учрайдиган ғам-ғусса, эзилишдан фориғ қилади. Қолаверса, қушлар, зебли паррандалар кишини зерикиш, сиқилиш, маъюслик, тушкунлик (депрессия) исканжасидан олиб чиқади. Қушларнинг хандон уриб сайраши эса кўпгина асаб билан боғлиқ дардларга, чарчоқ ва лоқайдлик ҳолатларига чек қўяди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида бир қатор невропатологлар магнитофон тасмасига қушларнинг сайрашини ёзиб олиб, улар билан беморларни даволашда фойдаландилар.

Тошкентдаги Семашко номидаги Курортология ва физиотерапия шифохонасининг шифокори Левь Малишев ўзининг даволаш амалиётида турфа қушлар хониши, майин мафтункор мусиқа, ёмғирнинг сокин овози, шалоланинг шилдираши кабиларни моҳирона қўллаган. Бундай муолажаларда бўлган беморлар руҳан тетик, илиқ ҳиссиётлар билан енгил тортиб чиқадилар.

Ёқимли куй, майин қушлар хониши бемор организмининг тўғри-ритмик тебраниши, модда алмашинуви жараёнини меъёрлаштиради, бунинг натижасида даволаниш тез содир бўлади. Балки бунда сайроқи қушларнинг ишқибозлари орасида турли хасталикларга чалиниш нисбатан кам учраши ва уларнинг умри узоқ бўлиши кўнгил хушлиги, ғашлик чигилларини эшилиши билан ҳам боғликдир. Олимлардан З.Агафоничевнинг ёзишича, қушлар сайроғидан ҳузур қилувчилар одатда анчагина фаол, ҳаракатчан бўладилар.

Ҳозирги вақтда орнитотерапия амалиёти болаларни даволашда атрофлича қўлланилмоқда. Жумладан, болалар орасида учрайдиган аутизм (руҳий айнаш белгиси: бемор ёлғизликни истаб қолади, унинг ташқи муҳит билан алоқаси йўқолади, бемор ёлғиз ўзининг ички туйғулари билан банд бўлади), тутқаноқ, қуёнчиқ ва бошқа асаб билан боғлиқ дардли ҳолатларда орнитотерапия ижобий натижасини кўрсатмай қўймайди. Сурункали чарчоқда, асаб нотинчлигида, иштаҳа бўлмаганида, бедор уйқусизликда қораялоқ, қумри, саъва, бедана, канар қушларининг сайроғи дардни енгиллаштиришга омилкорлик қилади.

Профессор В.Ильичев орнитотерапиядан гапиришида нуқсони бўлган, тутилиб муомала қилишда даволовчи табиий омил тариқасида фойдаланиш мумкинлигини баён этади. Бола қушларни гапиришга (тўти, зағча, майна каби) ўргатар экан, ўзи ҳам тўғри талаффуз қилишга ҳаракат қилади.

Геронтолог олимларнинг таъкидлашича, қушлар даврасида, уларнинг сайроғи, турфа жозибали кўриниши билан масту мустаррах бўлган кишилар хийла узоқ умр кўрадилар. Хўжағат қушининг дилни хушнуд этувчи сайроғи ички органларнинг тиришишидан холи этади. Юрак, бош ва бўғинлар оғриғидан халос этади, уйқуга мойилликни орттиради. Шундай экан, киши табиатига ором бериб, дардини оладиган қушларни муҳофаза қучоғига олиниши ва уларнинг мумкин қадар кўпайишига шароит яратилиши лозим бўлади.

Қушларнинг даволаш бобида тутган ўрнини баҳолашда уларнинг сергакликларини инобатга олмай бўлмайди. Манбаларда баён қилинишича, олти жуфт тарғил тўтичалар қариялар оиласида муқим дўстлашиб қолади. Табиатшунос Н.Макееванинг кузатишларига қараганда, бу қушлар қарияларнинг тетиклашувига, асабларининг тинчланишига, ҳаётга умид билан боқишларига омилкорлик қилган.

Кеша номли тўти вақти-вақти билан уй соҳибларининг қулоғини «авайлаб» чўқиб туради. Охир-оқибат тўтининг бу қилиғининг сабабини тушунишади. Тўтининг бу ҳаракатининг боиси шунда эканки, одамга ниҳоятда озор берадиган шақиқа (мигрен) дардидан қуш дастёрлиги билан холи этаркан.

Кишини ҳайратга соладиган ҳодиса, уқалаш билан шуғулланувчи бир киши ўрмонда кета туриб бойқушнинг мажолсиз полапонини уйига олиб келгач, унга алоҳида эътибор бериб парваришлаб боқади.

Бойқуш вояга етар экан, ўз эгаси ва унинг оила аъзоларига «дўстлашиб» боғланиб қолади. Бу қуш камдан-кам учрайдиган хислатларни намойиш эта бошлайди. Уй эгасининг мослаштирилган муолажа хонасида беморларни уқалаш чоғида бойқуш разм солиб турган. Гоҳида беморнинг очиқ курагига қўниб, думғаза суяги соҳасини акупунктура (найза санчиш билан даволаш амали) йўли билан, яъни қуш майин чўқиш билан шуғулланган. Қизиғи шундаки, бундай қуш муолажасини олган беморлар бод ва беланги дардидан фориғ бўлишар экан.

Турган гап, кўпинча шундай лавҳаларнинг шоҳиди бўламиз. Айниқса, сўлим чойхонада тўрқовоқдаги беданаларнинг кишига ўзгача тараннум бағишлайдиган «пит-билдиғи» ниҳоятда мароқли бўлади. Қушлар табиатимизнинг жонли безаги бўлибгина қолмасдан, балки одамларга завқ улашиб, дардларга даво бўладиган фойдали жониворлар ҳамдир.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос, халқ табобати академиясининг аъзоси

Ўлкамизда Наврўз нафаси







Ислом Исмоилов олган суратлар

УМРБОҚИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Борлиқдаги яшариш, озод ва обод юртимиздаги янгиланишлар Наврўз кириб келганидан дарак бермоқда. Юртимизнинг қай бир гўшасига қараманг, байрам тантаналарининг нафаси уфурмоқда.

Яшариш-янгиланиш, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат байрами саналмиш Наврўз тантаналари «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам кўтаринки рухда ўтказилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига қарашли барча талабалар турар жойларида Наврўз айёми кенг нишонланди. Республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрининг урф-одатлари ва миллий қадриятларини акс эттирувчи чиқишлар, халқ қўшиқлари ижро этилди. Байрам дастурхони миллий ва баҳорий таомлар билан безатилди.

Барча талабалар турар жойларида Наврўз байрамига атаб аждодларимизнинг бизгача мерос бўлиб келаётган кийимлари тайёрланди, саҳна кўринишлари намойиш этилди. Ташриф буюрган меҳмонлар тайёрланган баҳорий таомларга ўзларининг баҳоларини беришди ва талаба-ёшларга кўтаринки кайфият улашиб, янгиланиш ва яшариш байрами билан чин қалбдан муборакбод этдилар.

Ўзбекистон Миллий университети ректори Ғ.Муҳаммедов, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Қ.Шоназаров, «Камолот» ЁИҲ шаҳарча Етакчилар Кенгаши раиси ўринбосари И.Камолов ва бошқалар Наврўз шарқ халқлари орасида бир неча минг йиллардан буён кенг нишонлаб келинаётгани, мустақиллик туфайли миллий қадриятимиз қайта тикланган, куну тун тенглашадиган кун эканлигини таъкидлаб ўтишди. Тадбир давомида бадиий чиқишлар ва кўргазмалар ташкил этилди.

Маънавий-маърифий тадбирлар билан бир қаторда талабалар ўртасида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан «Миллий ўйинлар – Наврўз безаги!» деб номланган спорт мусобақалари ҳам ўтказилди.

— Истиқлолимиз шарофати билан урф-одатларимиз нафақат асл қиёфасига қайтди, балки мазмунан бойиди, — дейди «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси Ғоят Тўлаганов. — Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида ақл-заковатнинг ноёб дурдонаси, халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган халқ ўйинлари, мусобақалар, фестивеллар мунтазам ташкил этилмоқда. Юртимизда халқ ўйинларининг мингдан зиёд тури мавжуд. Улардан мамлакатимиз таълим тизимида, ёш авлодни соғлом ва баркамол шахс сифатида тарбиялашда кенг фойдаланилмоқда. Ўзбек халқ ўйинлари халқ ижодиётининг энг оддий ва оммавий кўринишларидан биридир. Ўйинлар халқ маданиятининг барча соҳалари билан ёнма-ён яшаб, озиқланиб, ўрни келганда уларни тўлдириб, бадиий маданиятимизнинг бутун бир тизими шаклланишида муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мусобақада талабалар арқон тортиш, тош кўтариш, армрестлинг, шахмат-шашка, стол тенниси бўйича беллашдилар. Таъкидлаш жоизки, мусобақа қизғин ва муросасиз курашларга бой тарзда ўтди.

Зиёда РАСУЛОВА

Фасллар келинчаги бўлмиш баҳор ўзининг фусункор айёмлари билан ҳам суюклидир. Уларнинг энг қадимий ва халқимиз қалбига яқини, саховатлиси бу Наврўз байрамидир. Азалдан баҳорий одат ва байрамлар аввало янги меҳнат мавсуми бошланишидан дарак берувчи омил сифатида кишилар ҳаётида муҳим ўрин тутган.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ГУЛТОЖИ

Шу боисдан баҳор кириб келишини кутиб олиш байрамлари қадимдан барча халқларда мавжуд бўлган. Кўпгина халқларда қишни кузатиш ва баҳорни кутиб олиш анъаналари энг йирик байрамларга айланган. Жумладан, японларда — «Риссон», хитойларда — «Chun-sze», славян халқларида — «Maslennisa», Марказий ва Ўрта Осиё халқларида эса Наврўз ёки Йил боши деб ном олган. Наврўз байрами ва маросимлари жуда узоқ даврлардан бери нишонлаб келинган ва бу байрам ўзига хос тарихга эга. Байрам асли қадимий деҳқончилик тақвими билан боғлиқ бўлиб, Ернинг шимолий ярим шарида кеча билан кундуз тенг келган кунлари 20-21 мартда бошланади. Ўша даврда бутун табиат уйғона бошлайди. Бундай янгиланиш жараёнининг бошланиши шамсий (Қуёш) йил ҳисобида 21 мартга тўғри келган биринчи янги кунни Наврўз деб атаганлар. Бундан 4-5 минг йил илгари аждодларимиз Қуёшни энг буюк куч, ҳаёт чашмаси, ёруғлик ва иссиқлик манбаи, деб билишган ва унга атаб махсус маросимлар ўтказишган. Зардуштийлар оловни Қуёшнинг ердаги зарраси-фарзанди деб билиб, қиш ва эрта баҳордаги маросимларда катта гулханлар ёқиб, қиш совуғини унинг ёрдами билан «ҳайдашган» ва кўкламни «чақиришган». Бу маросимлар эса турли баҳор байрамларининг шаклланишига асос бўлган. Кўпгина халқларда қишни кузатиш ва баҳорни кутиб олиш анъаналари энг йирик байрамларга айланган. Марказий Осиё, Эрон ва Яқин Шарқ мамлакатларида бу байрам Наврўз номини олган. Шарқ алломалари келтирган афсона ва маълумотларга қараганда, шу вақтгача ерда инсон ўз ақли-тахайюлоти маҳсули билан фазога – буюкликда кўтарилган кунни наврўз, яъни янги кун, деб қабул қилган.

Ўрта асрнинг буюк мутафаккири Беруний мазкур йил ҳисобининг бошланиш ойи тўғрисида шундай ёзади: Наврўз янги йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони билдиради. Наврўз баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тўкилишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ўсимлик униб чиқа бошлагунча давом этган вақтга тўғри келади. Шунинг учун Наврўз оламининг бошланиши ва яратилишига далил қилинган. Улуғ шоир Алишер Навоий ижодида ҳам Наврўз ўз ифодасини топган. «Садди Искандарий» достонида Наврўзнинг байрам қилиниши қуйидагича акс этган:

Ки бу сир олам афруз ҳам,
Хусусан эрур фасли Наврўз ҳам.

Дарҳақиқат, азалдан Наврўз ҳаётнинг энг яхши томонларини акс эттирадиган кўзгу бўлиб келган. Чунончи, кишилар байрам куни энг яхши одатларни намойиш қилиб, гўзал либос ва кийимлар кийишган, лаззатли таомлар тайёрлашган, ўзларининг қобилият ва ижодий қирраларини намойиш этганлар. Қадимги Наврўз ўзининг буюк моҳиятини сақлаб, янги бунёдкорлик ғояси билан бойиб, аҳиллик, тотувлик, халқларнинг бирдамлиги ва дўстлиги байрамига айланди. Зеро аҳиллик, тотувлик, ҳамжиҳатлик, кўтаринкилик бор заминда турмуш обод, юрт фаровон бўлади.

Насибахон МАМАТЖОНОВА,
Тошкент Архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицей ўқитувчиси

Тадбирлар

ҲАР КУНИНГ БЎЛСИН НАВРЎЗ

Айни кунларда шаҳримизнинг барча туманларида янгиланиш, яшариш ва меҳр-оқибат айёми бўлмиш — Наврўзи олам байрами кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Мирзо Улуғбек туманида ҳам байрамни юқори савияда ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Президентимизнинг «2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин» шиори остидаги байрам тадбири Тошкент иссиқлик маркази ва Алишер Навоий номли маҳаллада бўлиб ўтди.

Тадбирда дориломон кунларга шукроналик ҳиссини туяётган отахон ва онахонлар, меҳнат фахрийлари, ёшлар, ишчи-ходимлар иштирок этди.

— Наврўз энг қадимий ва азалий қадриятларимиз мужассамлашган улуғ байрамдир, — дейди Республика Маънавият тарғибот марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими бошлиғи Дилафрўз Жуманиёзова. — Наврўзда кўҳна ва буюк тарихимизга, улуғ аждодларимиз қолдирган бой меросга, урф-одатларимизга ҳамда маданиятимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром мужассам. Шу билан бирга азалий қадриятларимизга доимо садоқатли бўлиб яшаётганимиз, уларни эъзозлаб, авайлаб янги авлодларга етказиб келаётганимизнинг ёрқин ифодаси десак, муболаға қилмаган бўламиз. Энг асосийси, бу байрам шукуҳи барчани бирдамликка, эзгу ва хайрли ишларга чорлайди, яхшиликларни ва саховатни ўзида жамлайди.

Мазкур байрам тадбири ҳам иштирокчиларнинг қалбига гўзал хислатлар билан бирга, яхши кайфият, оҳанграбо куй-қўшиқлар навосини, театр актёрларининг қизиқарли чиқишларини инъом этди.

ФАСЛЛАРНИНГ ФАЙЗИСАН, БАҲОР

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 1-сонли Учтепа академик лицейидаги байрам тадбири ҳам ўзига хос тарзда нишонланди.

«Хуш келдинг, Наврўз» деб номланган тадбирда ўқув маскани ўқитувчилари, ўқувчилар ва ота-оналар иштирок этди.

— Халқимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар, меҳр ва мурувват, бағрикенглик тамойиллари, қадимий қадриятлар жамланмаси Наврўз байрамига хосдир, — дейди мазкур ўқув муассасасининг вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси раиси Муҳаббат Қодирова. — Баҳорнинг тоза ҳавоси, ён-атрофимиздаги оламнинг уйғониши, гулу чечакларнинг очилиши, ер кўк бағрида юз бераётган ўзгаришлар биз инсонларни она табиатнинг узвий ва ажралмас бир қисми эканлигимизни англатади. Наврўз байрами тантаналари ўсиб келаётган ёшларни анъаналаримизга ҳурмат билан қараш ва қадриятларимизни қадрлашга чорлайди.

Тадбир доирасида ўқувчилар томонидан тайёрланган миллий таомлар, миллий кийимлар кўргазмаси, дилтортар қўшиқлар ва дилбар рақслар барча иштирокчиларга манзур бўлди.

«Ўзбектеатр» бирлашмаси актёрлари томонидан тайёрланган қизиқарли чиқишлар эса, байрам тадбирининг мазмунли ва мароқли чиқишига замин яратди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ЭЗГУЛИКДАН НУРАФШОН ДИЛЛАР

Шу кунларда юртимизнинг барча гўшаларида Наврўз тантаналари кенг нишонланмоқда. Дошқозонларда сумалак ва ҳалимлар тайёрланиб, дастурхонларга миллий таомларимиз тортилаётир. Азалий урф-одатларга мувофиқ миллий ўйинлар, фольклор қўшиқ ва рақслар ила байрам тантаналари ўтказилмоқда.

Пойтахтимиз туманларида ҳам байрам тадбирлари қизиқарли ўтмоқда. Бектемир тумани «Миришкор» маҳалласидаги «Авалон» тантаналар уйида Наврўз айёмига бағишланган байрам шулар жумласидандир.

Туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда маҳалла фаоллари, кам таъминланган ва ибратли оилалар вакиллари, нуроний отахону онахонлар, корхона ва ташкилотлар ходимлари ҳамда ёш истеъдодли санъаткорлар иштирок этишди.

– Барчамизга маълумки, жорий йил давлатимиз раҳбари томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинди, – дейди маҳалла фаоли Саломат Ҳошимова. – Бу эса юртимизда қарияларга бўлган эътиборнинг яна бир намунасидир. Бугунги байрам тадбирига ҳам маҳаллада истиқомат қиладиган кексаларни таклиф этиб, уларнинг кўнгилларини хушнуд этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Чиройли байрам дастурхони ва санъаткорларнинг чиқишлари, ўйлаймизки, уларга хуш кайфият улашади. Бундай тадбирларнинг ташкил этилиши миллий анъаналаримизнинг давом этиши ҳамда ўзаро ҳурмат-эътиборнинг мустаҳкамланишига сабаб бўлади.

Бектемир туманида 12 та маҳалла бўлиб, унинг барчасида Наврўз айёмига катта тайёргарлик кўрилди. Маҳаллалар, кўчалар, хиёбонлар, кўп қаватли уйлар ва корхона-ташкилотларнинг ён атрофи ободонлаштирилди. Кўплаб гул ҳамда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Байрамга тайёргарлик асносида туман аҳолиси бирдамлик, меҳр-оқибат, бир-бирига бўлган ҳурмат, эзгулик, сахийлик каби юксак фазилатларни намоён этди. Бугун ана шу маҳаллаларда фуқаролар хурсандчилик билан байрам шодиёналарини нишонламоқда.

Абдували СОДИҚОВ

Мирзо Улуғбек туманидаги 279-умумтаълим мактабида «Хуш келдинг, Наврўзи олам!» номли байрам тадбири ташкил этилди.

ФАОЛ ЖАМОАЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Тадбир ўлкамизда Наврўз айёмини муносиб кутиб олиш, ёшлар орасида миллий урф-одатларимизни кенг тарғиб этиш, уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, анъанавий тарзда ўтказиладиган «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳасини самарали ташкил этиш мақсадида ўтказилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши ва мактабнинг бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган байрам тадбирида мактабнинг фаол, иқтидорли ўқувчилари мусиқий чиқишлар, саҳна кўринишларини намойиш қилишди.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ёши улуғ устозлар, ҳудудда яшовчи маҳалла фаолларига эсдалик совғалари топширилди. Ҳар бир синф жамоалари томонидан байрам дастурхонлари тузалди.

Якунда энг фаол қатнашган синф жамоалари Ҳаракатнинг Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши томонидан фахрий ёрлиқ, ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мана шундай тадбирлардан бири тумандаги 105-сонли мактаб-интернатда ҳам кўтаринки кайфиятда ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши ва 105-сонли мактаб-интернати бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда баҳорий таомлар тайёрланиб, дастурхон безатилди. Дошқозонда сумалаклар пиширилди.

Зарина РУСТАМОВА

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9225
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 21.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ